

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 45 (1120), 2017 йил 9 ноябрь

Кам таъминланган оилаларга 4 фоизли микрокредитлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган «Кам таъминланган оилаларни бандлик билан таъминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлади.

Ушбу низомга асосан тижорат банклари муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истагида бўлган кам таъминланган оилаларга уларни етарли даражада таъминлаш имконини берадиган имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар ажратиш боради.

Микрокредитлар қарз олув-

чиларга тикув машиналари, матолар ва бошқа сарфлаш материаллари, косибчилик фаолияти учун инвентарлар, маиший, компьютер ва бошқа техникалар, шунингдек, меҳнат билан бандликни таъминловчи бошқа асбоб-ускуналар харид қилиш, шахсий томорқа участкаларини ривожланти-

риш (кичик иссиқхоналар барпо этиш, чорва моллари, парранда сотиб олиш, оғилхона ва товуххона қуриш, боғдорчилик инвентарлари ва асбоблари харид қилиш) мақсадида энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида йиллик 4 фоиз ставкада ажратилади.

(Давоми 2-бетда).

Молиявий саводхонлик бўйича янги дастур

кичик бизнес субъектлари ва аҳолининг молиявий билимини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга



Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Халқаро молия корпорацияси (IFC), Савдо-сановат палатаси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда аҳоли учун молиявий саводхонликни ошириш бўйича янги дастурнинг жорий этилиши муносабати билан семинар ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Истиқболли ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Россия Федерацияси ҳукумати раиси Дмитрий Медведевнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида «Внешэкономбанк» ва «Газпромбанк» билан ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар имзолашга эришиди.

Бунда ТИФ Миллий банки ва «Газпромбанк» ўртасида тузилган ҳужжат «Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредит линиясини очиб тўғрисида битим»дан иборат бўлди.

Шартноманинг миқдори 153 млн. АҚШ долларини таш-

кил этиб, унда иқтисодиётнинг барча тармоқларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 7 йилгача бўлган узоқ муддатли кредит ресурсларини тақдим этиш кўзда тутилган.

Айтиш жоиз, ушбу битим қарз олувчидан давлат кафолатларини талаб қилмаслиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, ТИФ Миллий банкининг «Внешэкономбанк» билан имзолаган меморандуми Ўзбекистон Республикасида энергетика соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш имкониятини оширишга хизмат қилади.

Келишувда ТИФ Миллий банкига 10 йилгача бўлган муддатга 250 млн. АҚШ долларига ҳамда кредит линияларини очиб назарда тутилган. Бу Россиянинг юқори технологияли энергия ускуналарини етказиб беришни ўз ичига олади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Ўзбекистон бизнес учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича етакчи 10 та ислохотчи давлат қаторига кирди

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, инвестиция иқлимни яхшилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа фурсат ичида мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармони ва 35 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Лицензиялар ва рухсатномаларни расмийлаштириш, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини тубдан соддалаштириш ва уларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари-

нинг ҳуқуқий ҳимояси ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари кучайтирилди. Бир сўз билан айтганда, амалга оширилаётган барча ислохотлар «агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган машҳур тамойилга таянмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича сўнгги йилда қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлигини Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» («Doing Business») халқаро ҳисоботининг охириги нашри ҳам тасдиқламоқда.

(Давоми 6-бетда).

Иқтисодий ўсишнинг муҳим шarti

Сўнгги йилларда иқтисодиётимизда олиб борилган изчил ислохотлар мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги бундай ўзгаришлар инновациявий ва инвестициявий лойиҳаларни кенг жорий этишга замин яратиш, улар орқали экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда унинг ҳажмини барқарор ошириш ва таркибида тайёр сановат маҳсулотларини қўлайтириш имконини ҳам яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш Ўзбекистонда жадал иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шarti сифатида» мавзусидаги анжуманда ана шулар хусусида сўз борди.

(Давоми 6-бетда).

УШБУ СОНДА:

Банк тизими

Тижорат банкларининг жорий йил 9 ойи мобайнидаги фаолияти
3-бет.



Долзарб шарҳ

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга шарҳ
4-5-бетлар.

Статистика ва таҳлил

«Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар.
14-15-бетлар.



Кам таъминланган оилаларга 4 фоизли микрокредитлар

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Микрокредитлар қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз, олти ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади.

Қарз олувчилар ариза билан биргаликда микрокредитлар қайтарилишининг таъминоти сифатида банкка мол-мулк гарови, тижорат банки ёки сўзгута компанияси кафолати, учинчи шахс кафилиги, сўзгута полисидан бири, шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш мақсадида сўралган ҳолларда эса томорқа участкаси мавжудлигини тасдиқловчи ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган маълумотномани тақдим этадилар.

Кредитни ажратиш тўғрисидаги қарор тижорат банклари томонидан аризалар келиб тушган кундан бошлаб уч банк иш кунига қабул қилинади.

Қарз олувчилар микрокредит ҳамда унга ҳисобланган фоизларни нақд пулда, банк пластик карточкалари орқали ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағидан пул ўтказиш йўли билан тўлаши мумкин.

Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланилгани аниқланган ҳолларда банк кредит шартномасида белгиланган тартибда микрокредитнинг мақсадсиз ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Эслатиб ўтиш жоизки, кам таъминланган оилаларнинг рўйхати Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тузилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Матбуот хизмати.**

Бўш турган объектларда инвестиция лойиҳалари амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги «Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида илгари хусусийлаштирилган, қурилиши тугалланмаган объектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хўжалик фаолиятига тезкорлик билан жалб этиш механизми жорий этилмоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида намунавий таркибда қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Идораларо комиссиялар тузилди. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органи – идораларо комиссиянинг ишчи органи этиб белгиланди. Эндиликда идораларо комиссия томонидан инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқарилгандан кейинги ойдан бошлаб юридик шахслар – қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини қўллаётган мулкдорлари умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ўтадилар.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банклари ушбу Қарорда белгиланган вазифаларни ижро этиш доирасида қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган юридик ва jisмоний шахс-

ларга, шунингдек, ижарачиларга имтиёзли кредитлар тақдим этади. Кредитлар 12 ойлик имтиёзли давр билан 5 йилга қадар бўлган муддатга ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставкада берилади.

Қарор ижроси юзасидан Тошкент шаҳар Мировод туманида идораларо комиссия томонидан аниқланган қурилиши тугалланмаган, бўш турган ёки тўлиқ қувватда фаолият кўрсатмаётган 15 та хўжалик юритувчи субъект фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари ҳолати ўрганиб чиқилди. Ушбу корхоналардан инвестиция лойиҳаларини амалга оширмаган иккита хўжалик юритувчи субъект умумбелгиланган тартибдаги солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ўтди. Шу тариқа бўш турган бино-иншоотлар негизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича бино-иншоот эгалари ва упарга хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда тармоқ жадваллари ва инвестицион паспортларини шакллантириш ишлари олиб борилди.

ЎЗА МАТЕРИАЛИ АСОСИДА.

Молиявий саводхонлик бўйича янги дастур


кичик бизнес субъектлари ва аҳолининг молиявий билимини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мазкур лойиҳа 2018 йилдан бошлаб Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3270-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳаётга татбиқ этилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнес юритиш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган ислохотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилаётганини таъкидлаб ўтдилар. Бунинг самараси ўлароқ, ишбилармонлар сафи йил сайин кенгайиб, улар ички бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдирди, экспорт ҳажмини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Соҳада кўлга киритилаётган бу каби ютуқлар Жаҳон банкининг яқинда эълон қилинган «Бизнесни юритиш 2018: иш ўринлари яратиш учун ислохотлар» маърузасида алоҳида эътироф этилди. Унга кўра, Ўзбекистон бизнес юритиш учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатларнинг биринчи ўнталигига кирди. Аҳамиятлиси, охириги бир йил давомида мамлакатимиз



миз мавқеи 13 поғонага яхшиланиб, дунёнинг 190 давлати орасида 74-ўринни эгаллагани, шунингдек, кредитлаш тизими, миноритар инвесторлар ҳимояси бора-бора кўрсаткичларда ҳам юқорилаш кузатилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон банки гуруҳига кирувчи IFC туркум семинар ва қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

– *Бизнесда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан молиявий саводхонликка боғлиқ, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мо-*

ниторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Мухтор Шоназаров. – Шу боис нафақат тадбиркорлар, балки бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлганларнинг иқтисодий билимини бойитиш, молиявий хизматлар бозоридаги янгиликлар, жорий этилаётган енгилликлардан хабардорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Zero, сармоалардан самарали фойдаланиш, уни мақсадли йўналтириш муҳим даромад манбаини шакллантиришда кўл келади, оилалар бюджетини мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Мазкур семинар доирасида тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишнинг комплекс дастури

тақдироти бўлиб ўтди. Дастур Жаҳон банкининг Озарбайжон ва Марказий Осиёда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш лойиҳаси (ACAFI) ва «Норма» профессионал ривожланиш маркази томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бизнес вакиллари ва аҳолининг ўз молиявий ресурсларини оқилона бошқариш борасидаги билим ва малакаларини оширишни кўзда тутади. Икки йилга мўлжалланган дастур икки йўналишни ўз ичига олган ўқув материалларидан иборат. Уларнинг биринчиси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари молиявий саводхонлигини оширишга йўналтирилган бўлса, иккинчиси аҳолининг кенг қатлами молиявий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар, амалий машғулотлар тарзида ўтказилади.

Шунингдек, лойиҳанинг ижроси турли воситалар, жумладан, ОАВ орқали ёритилиб, фуқаро ва оилаларга ўз пулларини қандай қилиб яхшироқ ишлатиш, қарз олишда оқилона йўл тутиш, ҳаддан зиёд кўп қарз олмаслик ва банклар билан муносабатларини мустаҳкамлашда кўмак беради. Дастур ўз ишини энди бошлаган тадбиркорларга бизнес-режалар тузиш, молия-

вий ҳисоботлар тайёрлаш, жамғармалар ва кредитдан масъулиятли фойдаланиш каби материаллардан таркиб топган. Умуман олганда, дастур молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

– Самарали ва шаффоф молиявий бозорни шакллантириш истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришнинг зарурий шартидир, – дейди **Халқаро молия корпорациясининг Озарбайжон ва Марказий Осиёда молиявий инфратузилмани мустаҳкамлаш бўйича лойиҳаси консултанти Жаҳонгир Нурмуротов.** – Ўзбекистоннинг ривожланаётган молиявий тизими учун молиявий саводхонлик ва малака ошириш айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Бу пировардида, молиявий тизимда депозитлар ҳажмини кўпайтириш баробарида молиявий фаолликка ҳам замин яратади.

Семинарда таъкидланганидек, молиявий малака кишиларга бюджетни самарали тузиш, ўз жамғармаларини ошириш, ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлашнинг пойдеворини яратади. Ҳамкорликдаги бу каби амалий сазй-ҳаракатлар кўплай фуқароларнинг молиявий билими ва ҳолатини яхшилашда муҳим ўрин тутади.

Бекзод АКРОМОВ.

Ислоҳот, ижро ва самара

Миллий иқтисодиётдаги тараққиёт ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги узлуксизликни таъминлаш ҳамда тармоқларда янги ғоя ва ишланмаларни татбиқ этиш, замонавий технологияларни жалб қилиш билан барқарорлик касб этиб бораверади. Бироқ, бу салмоқли натижага эришиш, ўз навбатида, мукамал молиявий воситачилик тизимини йўлга қўйишни тақозо қилади.

Таъкидлаш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 июндаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашув даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3066-сонли Қарори республикада сармоявий муҳитни ошириш мақсадида қабул қилинган навбатдаги муҳим ҳужжатлардан бири сифатида ҳам банклар, ҳам иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мунтазам равишда таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатимиз молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш бўйича фаол ишларни олиб бораётган «Асака» акциядорлик тижорат банки ўз инвестицион жозибадорлигини ошириш, юқори ликвидлилик ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий кўрсаткичларини илдам ўстириш чораларини кўрмоқда.

Пировардида, жорий йилнинг 9 ойи давомида банк

жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14 871,9 млрд. сўмга ортиб, 22 661,5 млрд. сўмни, капиталли 775,3 млрд. сўмга ўсиб, 1 752,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Муассаса томонидан миқдорлар базасини кенгайтириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар самарасида эса улар сони 97,6 мингтага кўпайиб, 1958,2 мингга етди.



Ҳисобот даврига келиб, иқтисодиётнинг турли йўналишларига жалб қилинган банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми 13 787,4 млрд. сўмни ташкил этди. Уларнинг 13 458,0 млрд. сўмлик қисми узоқ муддатли кредитлар, шу жумладан, 12 283,9 млрд. сўми инвестицион кредитлар ҳисобланади.

Бунда банкнинг молиявий манбалари ҳисобига молиялаштирилган инвестицион лойиҳалар автомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, энгил, озиқ-овқат, фармацевтика sanoatlari, транспорт, қурилиш ва бошқа тармоқларни кенг қамраб олган. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, муассасанинг уларга ажратган кредит маблағлари 1 656,0 млрд. сўмни, лизинг хизматлари эса 178,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизда етакчи кучга айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш, уларни имтиёзли сармоялар ҳисобига рағбатлантириш саъй-ҳаракатлари ушбу даврда ҳам «Асака» банк фаолиятида устуворлик касб этди ва ўтган 9 ой давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан мазкур тоифадаги субъектларга 1 539,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

«Алоқабанк» банкоматлари бозорлар ҳудудида иш бошлади

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» томонидан аҳолига сўм пластик карталаридан нақд пул маблағларини ечиб олиш имкониятини тақдим этиш мақсадида пойтахтимиздаги бозорлар ҳудудида банкоматлар жойлаштирилди.

Банкоматлар Тошкент шаҳридаги Миробод, Олой ва Юнусобод деҳқон бозори ҳудудларига ўрнатилди. Аҳоли вакиллари банкоматлар орқали ўз нақд пул маблағларини соат 9:00 дан 18:00 гача ечиб олишлари мумкин. Битта шахсга бир кунга белгиланган лимит 100 минг сўмни ташкил этмоқда.

Эслатиб ўтамыз, бунгача АТ Халқ банки – «Олой», «Юнусобод» ва «Қўйлик» деҳқон бозорларида, ТИФ Миллий банки – «Авиасозлар», «Қорақамиш» ва «Сергели» деҳқон бозорларида, «Ипотека-банк» АТИБ – «Аския» ва «Бўзбозор» ҳудудида, «Микрокредитбанк» АТБ – «Чилонзор» деҳқон бозорида, «Ипак йўли» АИТБ «Ўрикзор» савдо мажмуаси ҳудудида ўз банкоматларини жойлаштирган эди. Бундан кейин ҳам банклар томонидан босқичма-босқич тарзда бошқа ҳудудларда қўшимча банкоматлар жойлаштирилиши режалаштирилган.

Жасур МИРЗАЕВ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредитлар

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг Фаргона минтақавий филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш 1,3 бараварга ошди.

Хусусан, филиал томонидан соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 45387,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Улар таркибида микрокредитлар 19390,0 млн. сўмни ташкил этди.

Шундан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 5302,0 млн. сўм, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун 15069,0

млн. сўм, ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 15137,0 млн. сўм, сервис ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун 14932,0 млн. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликка 4073,0 млн. сўмлик сармоялар йўналтирилди. Натижада 85 та янги иш ўрни яратилди.

– Жорий йилда филиалимизда банк ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли буш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ишлари фаол давом эттирилмоқда, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг Фаргона минтақавий филиали бошқарувчиси Шерзод Мамадалиев. – Бу борада ҳисобот даврида миқдорлар эътиборига 8 та янги турдаги фойдали ва жозиба-ли омонат тақдим этилди.

Ҳамдам АМИНОВ.

БАНКЛАРДАН ХАБАРЛАР

ЎЗР ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ: ЁШЛАР ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Мазкур ҳужжат асосида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларга ўз бизнесларини ташкил этишида кўмаклашиш ҳамда ушбу соҳадаги ташаббусларини рағбатлантирган ҳолда, имтиёзли кредитлар ажратиш, шу орқали мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга муносиб ҳисса қўиши мақсади илгари сурилган.

Яқинда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказида ўзаро келишувга биноан 11 нафар ёш тадбиркорга ТИФ Миллий банки томонидан имтиёзли кредит ажратиш бўйича дастлабки сертификатларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

«АГРОБАНК» АТБ ВА ТУРКИЯНИНГ ЗИРААТ БАНКИ ЎРТАСИДА МУЗОКАРА

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки ва Туркиянинг Зираат банки раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Туркия пойтахти Анқара шаҳрида ташкил қилинган учрашувда томонлар келгусида истиқболли лойиҳаларни янги йўналишда амалга ошириш ҳамда ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб борди.

Учрашувда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит линияларини жалб қилиш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилиб, келгусида алоқаларнинг янги қирралари ва йўналишлари ҳамда уларни тараққий эттириш юзасидан фикр алмашилди.

«ИПАК ЙЎЛИ» АИТБдан «3D SECURE» ТЕХНОЛОГИЯСИ

«Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки барча филиалларида «Visa» халқаро пластик карталари хавфсизлигини таъминловчи ҳамда онлайн харидларда жуда қулай саналувчи «3D Secure» технологиясини жорий этди.

Жаҳон молия бозорида кенг қўлланилаётган «3D Secure» технологияси операцияларни амалга ошираётган карта эгасини идентификация қилиш ва карта бўйича фирибгарликни юқори даражада камайтириш имконини беради.

Бунда миқдорлар «3D Secure» технологияси ёрдамида қўшимча паролдан фойдаланиб, «QIWI» ва «Webmoney» тизимлари орқали жуда қисқа фурсатда пул ўтказмаларини амалга ошириши, сайёҳлик агентликлари, авиа- ва темир йўл компанияларининг расмий сайтларидан чипталарни харид қилиши ҳамда хорижий университетларда таълим олиш учун тўловларни ўтказиши мумкин.

Ушбу хизматдан фавқатгина «3D Secure» технологияли операцияларни қабул қилувчи интернет дўконлар ва хизмат шохобчаларида фойдаланилади. Бунинг учун банк миқдорга қўшимча паролни юборди, у эса харид вақтида паролни киритади.

Таъкидлаш жоиз, «Ипак йўли» АИТБ ташкил этилибдики, молия бозорида замонавий илғор технологиялар асосида инновацион хизматларни жорий қилишда доимо етакчи бўлишга интилиб келмоқда. «3D Secure» технологиясини ҳам муассасанинг ўз миқдорларига янада қулайликлар яратиш йўлидаги навбатдаги саъй-ҳаракатлари махсули дейиш мумкин.

Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 29 сентябрда 2933-сон билан давлат рўйхатига олинган



Мавлон МАРПАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Бухгалтерия ҳисоби,
ҳисоботи ва давлат
бюджети касса ижроси
департаменти
директори ўринбосари,
и.ф.н.

Ломбард – бу кўчар мулкни гаровга олиб кредит берувчи кредит ташкилотидир. Ломбард сўзининг лугавий маъноси ломбардия, яъни Италиянинг чекка ҳудудида шундай операциялар билан шуғулланувчи савдогар номи англатади. Ҳозирда дунёнинг барча мамлакатларида ломбардлар кредит берувчи ташкилот сифатида фаолият юртади.

Жумладан, бизнинг республикамизда ҳам ломбардларга ҳуқуқий жиҳатдан кредит ташкилоти сифатида мақом берилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 289-моддасида фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар – лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида»ги 402-сонли қарори мамлакатимиздада ломбардлар фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда юртимизда 46 та ломбард фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-банк тизими барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюrolари фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасида Марказий банкка банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статисти-

ка ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни ҳамда молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан микрокредит ташкилотлари учун мажбурий бўлган қоидаларни ўрнатиш бўйича ваколат берилган.

Шу сабабли Марказий банк томонидан «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тар-

нимиздек, ломбард кўчар мулкни гаровга олиб кредит берувчи кредит ташкилоти ҳисобланганлиги сабабли «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом Марказий банк Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сонли қарори билан тасдиқланди ва шу йилнинг 29 сентябрида Адлия вазирлигида 2933-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Мазкур ҳужжат 5 та боб, 215 та банд ва 22 та иловадан иборат бўлиб, ломбардлар бухгалтерия ҳисобига оид барча масалаларни қамраб олган. Шу билан бирга, «Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган.

Мазкур Низомнинг «Умумий қоидалари»да бухгалте-

ри боб бухгалтер мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган «Ломбард бош бухгалтери тўғрисида»ги намунавий низом асосида иш олиб бориши тўғрисидаги нормалар баён этилди.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда уларни расмийлаштириш боби операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, уларнинг мажбурий реқвизитлари, бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар жавобгарлиги каби муҳим қоидаларни ўз ичига олади.

Мазкур бобда бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги ёзувларга асос бўлувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари рўйхати ҳам келтирилди.

Бундан ташқари, унда ломбардларда бухгалтерия ҳисоб регистрлари бўлган бош ва ёрдамчи китоблардан фойдаланилиши, уларнинг реқвизитлари, бош китоб мазкур Низомнинг 7-иловасида келтирилган шаклдаги Ҳисобварақлар режасидаги ҳисобварақлардан иборат эканлиги, бош китоб маълумотлари ёрдамчи китоблар маълумотлари асосида шакллантирилиши белгиланиб, фойдаланиладиган ёрдамчи китоблар рўйхати берилди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ, ҳар бир молиявий-хўжалик операциясининг суммаси икки ёқлама ёзув қоидага амал қилган ҳолда бир вақтнинг ўзида иккита ёрдамчи китобда қайд этилиши, бунда биринчисида – ҳисобварақнинг дебети бўйича кредитланадиган ҳисобварақнинг рақамини кўрсатган ҳолда, иккинчисида – ҳисобварақнинг кредити бўйича дебетланадиган ҳисобварақнинг рақамини кўрсатган ҳолда ёзиш қоидалари ўрнатилди.

Мазкур бобда бошқа қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган молиявий операциялар таҳлилидан бошланиб, молиявий ҳисоботларни тузиш ва ҳисобварақларни ёпишгача бўлган ҳисоб жаранининг кетма-кет bosқичини ўз ичига оладиган бухгалтерия ҳисобини юритиш bosқичлари тартиби тўла баён қилинди.

«Ломбардларда бухгалтерия операциялари ҳисоби» бобида ломбардларда касса операциялари «Микрокредит

ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) мувофиқ амалга оширилишига ҳавола қилинган ҳолда касса операциялари айнан ломбардлар фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши жиҳатлари баён этилган.

Шунингдек, мазкур бобнинг «Кредит операциялари ҳисоби» параграфида ломбард билан мижоз ўртасида кредит шартномаси тузиш, мижозга ссуда ҳисобварағи очил ва ссуда ҳисоблаш, фоизлар ва пеня ҳисоблаш, ссудани қайтариш операциялари бўйича тушунтиришлар ва улар бўйича амалга ошириладиган бухгалтерия ўтказмалари баён қилинган.

Ломбард томонидан ажратилган кредитлар ҳисоби билан bogлиқ барча операциялар мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклдаги Берилган кредитларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилиши белгиланди.

Ломбардлар нафақат кредит берувчи, балки кредит олувчи бўлиб ҳам майдонга чиқишлари мумкин. Ломбард томонидан бошқа кредит ташкилотларидан олинган кредитлар бўйича бухгалтерия ўтказмалари «Тўланиши лозим бўлган кредитлар ҳисоби» параграфида баён қилинган.

Биз юқорида ломбардга кўчар мулкни гаровга олиб кредит берувчи кредит ташкилоти сифатида таъриф бердик. Шу сабабли «Кредит таъминоти сифатида гаровга ҳамда сақловга қабул қилинган мол-мулклар ҳисоби» номли алоҳида параграф киритилди.

Албатта, ломбард томонидан кредит таъминоти сифатида гаровга ҳамда сақловга қабул қилинган мол-мулклар бўйича бериладиган гаров паттаси ҳамда сақлов квитанцияси «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидалари»да (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Мазкур параграфда эса гаровга ҳамда сақловга қабул қилинган мол-мулклар бўйича бериладиган бухгалтерия ўтказмалари акс эттирилган.

«Ломбардларда бухгалтерия операциялари ҳисоби» бобида барча хўжалик субъектларига хос бўлган «Асосий воситалар

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-банк тизими барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюrolари фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади.

тиби тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1291, 2003 йил 10 декабрь), «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидалари» (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) ва «Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1289, 2003 йил 10 декабрь) сингари норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда.

Лекин, шу кунгача ломбардлар бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи алоҳида норматив ҳужжат мавжуд эмас эди. Шу сабабли улар Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгиланган қоидалар асосида ҳисоб ишларини юритган.

Маълумки, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддаси тўртинчи қисмида: «Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади», – деб белгиланган.

Юқорида таъкидлаб ўтга-

рия операцияларини амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш бўйича белгиланган талаблар барча ломбардлар учун мажбурий эканлиги, айти пайтда, улар қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ ўз ҳисоб сизестини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалда қўллаши, шунингдек, ҳар бир ломбарднинг иш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар айланиши тартибини белгилаши лозимлиги қайд этилган.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиши ташкил этиш бобида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиши ташкил этиш бухгалтерия ҳисоби субъекти – ломбард раҳбари томонидан амалга оширилиши, ломбард раҳбари бухгалтерия аппаратини ташкил этиши, ҳисоб сизести ва ички назорат тартибини ишлаб чиқиш учун масъул эканлиги, шу билан бирга, ломбард раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди.

Шунингдек, мазкур бобда



ҳисоби», «Номоддий активларнинг ҳисоби» ҳамда «Кам баҳоли ва тез эскирувчи бўйлар ҳисоби» каби алоҳида параграфлар киритилди.

Ломбардлар лизинг операциялари, тўғрироғи, лизинг бериш операциялари билан шуғулланмайди, лекин улар лизинг олувчи сифатида майдонга чиқшлари мумкин. «Лизинг операциялари ҳисоби» параграфидан лизинг, лизинг олувчи ломбарднинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив, ҳам мажбурият сифатида тан олинши ҳамда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 – «Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи», лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 – «Лизинг бўйича мажбуриятлар»нинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилиши белгиланди. Лизинг операциялари бўйича бажарилиши мумкин бўлган барча бухгалтерия ўтказмалари кўрсатилди.

Мазкур боб юқоридаги параграфлардан ташқари «Олиниши лозим бўлган ва олдиндан тўланган маблағлар ҳамда муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби», «Товар-моддий бойликлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳамда бошқа қарздорликлар ҳисоби», «Капитал ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисоби» ва «Ломбардларда даромадлар ва харажатлар ҳисоби» қабиларни ҳам ўз ичига олиб, «Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш» билан яқунланади.

дир ташкилоти фаолиятига мос равишда ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси – «Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш қоидалари» мазкур ҳужжатга 1-илова тариқасида берилди. Ушбу қоидалар ломбардларда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритишда муҳим роль ўйнаганлиги сабабли бу тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамай.

Мазкур Қоидалар «Муқаддима», «Умумий қоидалар» ва «Ҳисобварақларни кодлаштириш» бобларидан ҳамда «Ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» ва «Ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасининг ҳисобварақлари таърифи» иловаларидан иборат.

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, ломбардларда бухгалтерия ҳисоби операцияларини ҳисобварақларда акс эттириш қоидаларини белгилайди.

Умумий қоидалар бобида «ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси», «бош китоб», «ёрдамчи китоб», «мижоз ҳисобварақлари» ва «ҳўжалик операциялари ҳисобварақлари» тушунчалари қўлланилган.

Ломбардларнинг бухгалтерия ҳисобида синтетик ҳисобни юритиш учун алоҳида бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса ёр-

ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;

ҳисоб жараёнларини автоматлаштириши энгиллаштириш;

операцияларни қайд этиши тезлаштириш.

Ҳисобварақларнинг бош китобда кодлаштириш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборат:

C	MM	SS
---	----	----

C	Ҳисобварақ туркуми (категорияси):
1.	Актив
2.	Мажбуриятлар
3.	Капитал
4.	Даромадлар
5.	Харажатлар
9.	Кўзда тутилмаган ҳолатлар

MM	Ҳисобварақ туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
----	--

SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
----	--

Рақамли кодлаштиришга қуйидаги зарур шартлар жойлаштирилган:

жамланма ҳисобварақлар учун MM ва/ёки SS ноль рақамларига эга (масалан, 10000 – «Активлар», 10100 – «Кассадаги нақд пул» ва бошқалар);

«Активлар» бўлимидаги «... зарарларни қоплаш захираси» сарлавҳали субҳисобварақлар учун SS ўрнида 99 рақами қабул қилинган.

Амалга оширилмаган бирламчи операцияларнинг ҳисоби дастлаб шахсий ҳисобварақларда (карточкалар, китоблар, журналларда) акс эттирилади. Шахсий ҳисобварақлар 20 та рақамдан иборат бўлиб, ёрдамчи китобда қуйидаги схема бўйича кодлаштирилади:

CCCC	VVV	K
SSSSSSS	NNN	

Бунда:
CCCC – бош китобнинг баланс ҳисобварағи;
VVV – валюта коди;
K – назорат калити;
SSSSSSS – ломбарднинг ёки мижознинг хос рақами;
NNN – ҳисобварақнинг тартиб рақами.

Шахсий ҳисобварақлар тартиб рақами «001»дан «999»гача бўлган тартиб рақамларидан иборат. Бош китобнинг баланс ҳисобварағи рақами Ҳисобварақлар режасига мувофиқ аниқланади, валюта коди «Жаҳон мамлакатлари ва валюталар таснифлагичи»га асосан белгиланади, назорат калити ломбард томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳар бир мижозга алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Икки ёки undan ортқ шахсларга битта шахсий ҳисобварақ очилишига йўл қўйилмайди. Мижоз ҳисоб-

варақлари «99XXXXXX» тартибда ҳар бир мижоз учун алоҳида ихтиёрий шакллантирилган хос рақам билан очилади.

Мижоз ҳисобварақлари кредит ва унга ҳисобланган фозилар тўлиқ сўндирилгандан кейин ёпилади. Ёпилган шахсий ҳисобварақлар рақамлари қайта тикланмайди ва бошқа шахсий ҳисобварақларни рақамлашда фойдаланилмайди.

Ҳўжалик операциялари ҳисобварақлари ломбардларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича Банк депозитларининг миллий ахборот базасида берилган хос рақами билан очилади.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақнинг актив ёки пассив бўлиши аниқ белгилаб қўйилган, актив-пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларга «Активлар», «Харажатлар» ва «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимидаги ҳисобварақлар, пассив ҳисобварақларга «Мажбуриятлар», «Капитал» ва «Даромадлар» бўлимидаги ҳисобварақлар тааллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида «Активлар» бўлимига контр-актив ҳисобварақлар, мажбуриятларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида эса «Мажбуриятлар» бўлимига контр-пассив ҳисобварақлар киритилган.

«Кўзда тутилмаган ҳолатлар» бўлимига операцияларни иккиёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр-актив ҳисобварақлар киритилган.

«Активлар» бўлими ликвидлик, «Мажбуриятлар» бўлими эса муддатлик таъминотларига асосан таснифланган.

Мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида Ҳисобварақлар режасининг ҳар бир ҳисобварағи таърифи берилган бўлиб, унда ҳисобварақнинг дебети ва кредити бўйича қандай операциялар акс эттирилиши ҳамда тахлилий ҳисобининг юритилиш тартиби баён этилган. Батафсил тахлилий ҳисоб юритиш учун ломбардларда шахсий ҳисобварақлардан ташқари қўшимча бухгалтерия ҳисоби регистрлари юритилиши мумкин.

Хатоларни тўғрилаш ва ҳисоб сиёсатида киритилган ўзгаришлар асосида тузатишлар киритишда, ҳисобварақларнинг таърифларида кўзда тутилмаган бўлса ҳам, ҳисобварақларнинг дебет ва кредитлари бўйича тузатиш ўтказмалари амалга оширилиши мумкин.

«Даромадлар» ва «Харажатлар» бўлими учун тахлилий ҳисоб кўрсатилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар ломбарднинг ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Ломбардлар ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда мазкур ҳисобварақлар бўйича тахлилий ҳисоб юритишни мустақил белгилайдилар.

Бугун биз муҳокама қилаётган 2933-сонли Низомни унга 2-илова тариқасида берилган «Ломбард бош бухгалтерия бўйича Бухгалтерия тўғрисида»ги намунавий низом яқунлайди. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ломбардларининг бош бухгалтерларига тааллуқлидир.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун ломбард раҳбари жавобгар ҳисобланади. Раҳбар бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши, бош бухгалтернинг ҳужжатлар ва маълумотларни расмийлаштириш ҳамда ҳисобини юритиш учун тақдим этиш тартиби борасидаги талаблари ломбард ходимлари томонидан оғишмай бажарилишини таъминлаш шарт.

Бош бухгалтер ломбардда бухгалтерия аппаратини бошқаради, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилиши ҳамда мол-мулкнинг бут сақланиши устидан назорат олиб борилишини таъминлайди.

Ломбард бош бухгалтерия лавозимга раҳбар томонидан тайинланади ва овоз қилинади. Агар ломбарднинг юқори муассасаси мавжуд бўлса, унда бош бухгалтерни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан овоз қилиш юқори турган ломбард раҳбари ҳамда бош бухгалтерни билан келишилади ҳамда у бевосита юқори ташкилот раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш, назорат қилиш тартиби ва методикаси билан боғлиқ масалалар бўйича эса юқори ташкилот бош бухгалтерига бўйсунди.

Шунингдек, Низом ломбард бош бухгалтерия ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарлиги тааллуқли бўлган нормалардан иборат.

Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва шу йилнинг 29 сентябрида Адлия вазирлигида 2933-сон билан давлат рўйхатида олинган «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом ломбард ходимлари учун бухгалтерия ҳисобига оид операцияларни тўғри ҳамда аниқ бажаришларида қўллама вазифасини бажаради. Барча ломбардлар ушбу ҳужжат талабларига оғишмай амал қилишлари лозим.

Ломбард бош бухгалтерия лавозимга раҳбар томонидан тайинланади ва овоз қилинади. Агар ломбарднинг юқори муассасаси мавжуд бўлса, унда бош бухгалтерия лавозимга тайинлаш ва лавозимдан овоз қилиш юқори турган ломбард раҳбари ҳамда бош бухгалтерия билан келишилади ҳамда у бевосита юқори ташкилот раҳбарига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш, назорат қилиш тартиби ва методикаси билан боғлиқ масалалар бўйича эса юқори ташкилот бош бухгалтерига бўйсунди.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ломбардлар шу кунгача бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи алоҳида норматив ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги сабабли, улар Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгиланган қоидалар асосида ҳисоб ишларини юритган. Хусусан, улар 21-сонли БҲМС – «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да (2002 йил 23 октябрь, рўйхат рақами 1181) белгиланган ҳисобварақлардан фойдаланган. Ломбардлар учун кре-

дамчи китоблар очилади. Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак.

